

20-Fevral, 2026-yil

**КОНСТИТУЦИЯ-ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИНГ МУСТАҲКАМ
ҚАЛҚОНИ**

Алижонов Иброхимжон Рустамжон ўғли

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети

мустақил изланувчиси,

+99897-707-75-69

ibrohim.ibrohim.7@icloud.com

Аннотация: *Янги Ўзбекистоннинг янгиланган Конституциясидаги хавфсизликни таъминлашга қаратилган муҳим ўзгаришлар, Конституция умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларини кенг жорий этилиши баён этилган, янги таҳрирдаги Конституция жамоат хавфсизлиги соҳасида асосий киритилган ўзгартиришлар таҳлил қилиниб, Халқаро ҳуқуқ нормаларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.*

Калит сўзлар: *Халқаро ҳуқуқ, Конституция, хавфсизлик, хавф-ҳатар, таҳдид, жамоат хавфсизлиги объектлари, субъектлари ва предмети, хавфсизлик босқичлари, Миллий хавфсизлик, давлат хавфсизлиги, жамоат хавфсизлиги, шахс хавфсизлиги, Президент, Олий Мажлис, Сенат, Қонунчилик палатаси, Ижро ҳокимияти.*

Сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган тизимли ислохотлар, юртимиз сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеалар, шу жумладан, янгиланган Конституциямизнинг қабул қилиниши инсон кадрини улуғлашга қаратилган Янги Ўзбекистоннинг пойдеворини яратишга йўлидаги мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат 2023 йил 30 апрель куни Конституция бўйича Ўзбекистон тарихида биринчи марта ўтказилган умумхалқ референдумида овоз берганларнинг 90 фоиздан зиёди халқ Конституциясини қўллаб қувватлади. Шу билан бирга, янгиланган Конституцияни қабул қилиш жараёнида фуқароларимизнинг бевосита иштирок этганлиги, 100 мингдан ортиқ таклиф ва тавсиялар билдирилиб, янги таҳрирдаги Конституцияни янада такомиллаштиришга хизмат қилганлиги алоҳида эътирофга лойиқ. Бу эса том маънода “Янгиланган Конституция – халқ Конституцияси” эканлигидан далолат беради.

Конституция ҳар бир демократик давлатнинг асосий қомуси, бош мезони ҳисобланиб, барча қонунлар ва қонуности ҳужжатлар Конституция асосида қабул қилинади.

Мамлакатимизда жорий йилда Конституциямиз қабул қилинганининг ўттиз икки йиллиги кенг нишонланади. Айтиш жоизки, асосий қонунимиз давлат мустақиллиги, халқимизнинг тинч-осуда ҳаёти, фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолати, юртимизда бозор муносабатлари ҳамда хусусий мулк устуворлигига

асосланган демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда. Айни чоғда у халқимизни озод ва обод Ватан, эркин ҳамда фаровон ҳаёт қуришдан иборат улуг мақсад йўлида бирлаштирувчи муҳим ҳужжат ҳисобланади.

Ўтган тарихан қисқа давр мобайнида Конституциямизда белгиланган қоидалар асосида юртимизда миллий қонунчилик тизими барпо этилди, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий салоҳияти юксалишига, ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилган самарали ислохотларга асос бўлди.

Бош қомусимизнинг асл моҳияти, мақсад ва вазифаси ҳам айнан жамият ва фуқароларнинг тинчлиги ва осойишталигини сақлаш, ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш, бир сўз билан айтганда, жамият хавфсизлигини кафолатлашдан иборат десак ҳеч муболаға бўлмайди.

Ҳозирги глобаллашув жараёнида юзага келаётган хавф ва таҳдидларнинг ўсиб бориши ва мураккаблашуви фонида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ижтимоий муносабатларида “жамоат хавфсизлиги” ибораси кириб келди ва кенг қўлланила бошланди. Сабаби жамоат хавфсизлиги дунё ҳамжамятида глобал муаммолар қаторидан ўрин эгаллади. Сўнги 30 йил давомида дунёда содир бўлган кўплаб давлат тўнтаришлари, рангли инқилоблар, фуқаролик урушлари, табиий офатлар, турли хил пандемиялар бунга яққол мисол ҳисобланади.

Ҳозирги кундаги юзага келаётган янги таҳдид ва хавфларга нисбатан жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасини ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан такомиллаштириб бориш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланиб бормоқда.

Ўтган давр мобайнида мамлакатда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, жамоат тартибини сақлашнинг мутлақо янги механизмларини жорий этиш ҳамда аҳолида шахсий хавфсизлик ҳиссини шакллантириш борасида тизимли ва самарали чора-тадбирлар амалга оширилди, шунингдек, мазкур фаолиятни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий база “Халқ манфаатларига хизмат қилиш” олижаноб ғояси асосида тубдан қайта кўриб чиқилди.

Республикамизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳусусан жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасини ҳуқуқий тартибга солиш мақсадида бир-нечта қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинган, жумладан:

Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги, “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”ги ЎРҚ-647-сон қонунлари [2];

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида Ички Ишлар Органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, “Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини

20-Fevral, 2026-yil

таъминлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг бошқа қонун ва қонуности ҳужжатлари [3].

Қолаверса, жамоат хавфсизлигини таъминлашга доир қонун ҳужжатлари янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиб келинмоқда.

Қабул қилинган қонунлар ва қонуности ҳужжатларининг самараси ўлароқ Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлашда бир қатор ижобий натижаларни бериб келмоқда.

Амалга оширилаётган ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар доирасида аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда жамиятимизда қонунга итоаткорлик ва жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантириш, шунингдек жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ишларни «Халқ манфаатларига хизмат қилиш» тамойили асосида ташкил этишнинг мутлақо янги механизм ва тартиблари жорий этиш, мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада ривожлантириш ҳамда ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг истиқболли йўналишларини белгилаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони[4] қабул қилинди, мазкур фармон билан “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси”, “2022–2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегияси”, “2022–2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегиясини 2022 йилда амалга ошириш бўйича “йўл харитаси”” тасдиқланди.

Мазкур фармон асосида қабул қилинган Жамоат хавфсизлиги концепцияси ва 2022–2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегиясида жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, тизимлаштириш ҳамда мавжуд ҳуқуқий бўшлиқ ва зиддиятларни бартараф этиш, жамоат хавфсизлигини таъминлашга доир қонунчиликни такомиллаштириш, хорижий давлатлар илғор тажрибасини тадқиқ қилиш ва Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигига жорий қилиш бўйича устувор вазифалар белгилаб ўтилган.

Бу бурода Ўзбекистон Республикаси Конституцияси муҳим ўрин эгаллайди. Барча давлатларда Конституция олий юридик кучга эга, тўғридан-тўғри қўлланиладиган энг юқори турувчи қонун ҳисобланади.

Конституция ўзида инсон ва фуқароларнинг, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларини яъни унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини кафолатлайди. Бу эса, ўз ўрнида Конституциямизнинг жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг асоси эканлигидан далолат беради. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2, 3, 7, 10, 12, 13, 17-20, 24-27, 29, 31-37, 40, 44, 48, 50, 52, 56-62, 99, 100, 125 ва 126-моддалари бевосита жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган нормаларни ўз ичига олган.

Мисол тариқасида, Конституциямизнинг 24-моддасида яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи эканлиги, инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятлиги, 33-моддасида фуқаролар ўз ижтимоий фаолликларини Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намоёишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эгалликлари, ҳокимият органлари фақат хавфсизлик нуқтаи назаридангина бундай тадбирлар ўтказилишини тўхтатиш ёки тақиқлаш ҳуқуқига эга эканликлари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси таҳлил қилинганда Конституцияда хавфсизликни таъминлашга қаратилган нормалар мустаҳкамланган бўлсада, жумладан Конституцияда “жамоат” сўзи 26 маротаба, “жамият” сўзи 15 маротаба қўлланилган, бироқ жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг вазифа ва функциялари, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш асослари аниқлаштирилмаганлиги, шу билан бирга бу борада давлат органлари, жамоат бирлашмаларининг вазифа ва функциялари, энг асосийси жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Парламент назоратига оид нормалар билан тўлдиришга эҳтиёж мавжудлиги маълум бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасида Ўзбек халқи халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда ўзининг мухтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конституциясини қабул қилганлиги белгилаб ўтилган. Чунончи инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқ нормалари барча давлатларнинг Конституция ва қонунларига дастурил амал ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясини халқаро ҳуқуқий асосларидан бири бу шак-шубҳасиз 1966 йил 16 декабрда Нью Йоркда қабул қилинган Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт (Ўзбекистон Республикаси 1995 йил 28 октябрда қўшилган) ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасида “ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир” деб белгиланган. Бу борада фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 19-моддасининг биринчи бандида ҳар бир инсон ҳеч бир тўсиқсиз ўз фикрига собит бўлиш ҳуқуқига эга эканлиги, иккинчи бандида ҳар бир инсон ўз фикрини эркин баён этиш ҳуқуқига эгаллиги, бу ҳуқуқ давлат чегараларидан қатъи назар ёзма равишда ёки

20-Fevral, 2026-yil

матбуот орқали ёки ифодалашнинг бадиий шакллари ёки ўз ихтиёрига кўра бошқача усулларда турли ахборот ва ғояларни қидириш, олиш ва тарқатиш эркинлигини камраб олиши, бироқ мазкур моддада назарда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланиш алоҳида мажбуриятлар ва алоҳида масъулият юклаши, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва обрў-эътиборини ҳурмат қилиш, давлат хавфсизлигини, жамоат тартибини, аҳоли саломатлиги ёки маънавиятини муҳофаза этиш учун айрим чеклашлар билан боғлиқ бўлиши мумкинлиги, лекин бу чеклашлар қонун билан белгиланиши кўрсатиб ўтилган.

Пактнинг 20-моддасида урушни ҳар қандай тарғиб этиш, камситишга, адоватга ёки зўравонликка ундовчи миллий, диний ёки ирқий нафрат руҳидаги ҳар қанақа ҳаракат қонун орқали тақиқланиши кераклиги белгилаб ўтилган.

Мазкур модда таҳлил қилинганида инсонларнинг сўз эътиқод ҳуқуқи ва эркинлиги кафолатланиши билан бир қаторда, уларни чеклашнинг ҳуқуқий асослари аниқ белгиланганлигини кўришимиз мумкин.

Мазкур нормалар 1995 йил 26 майда Минск шаҳрида қабул қилинган Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатларининг инсонларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги конвенциянинг[6] 11-моддасида мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида “ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди” деб белгиланган. Бироқ диний қарашлардан жамоат хавфсизлигини бузиш мақсадида фойдаланиш, диний маросимларни ва ибодатларни адо этишда бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва жамоат тартибига таъсири масаласи очиқ қолган.

Бу борада фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг 18-моддасида ҳар бир инсон фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга. Ушбу ҳуқуқ ўз ихтиёри билан ўзига маъқул динни қабул қилиш ва эътиқод қилиш эркини, яқка ҳолда, шунингдек бошқалар билан биргаликда, ошкора ёки хусусий тартибда ибодат қилиш, диний ва бошқа урф-одатларни ва маросимни бажариш эркини ҳам ўз ичига олиши, ҳеч ким ўз ихтиёрига кўра ўз дини ва эътиқодига эга бўлиш ёки қабул қилиш эркини камситадиган мажбурий ҳолатга дучор этилмаслиги лозимлиги, дин ёки эътиқод эркинлигига фақат қонун билан белгиланган ва жамоат хавфсизлигини, тартибини, саломатлиги ва ахлоқини, шунингдек бошқа шахсларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза этиш учун зарур бўлган чеклашлар белгиланиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг

33-моддасида фуқаролар ўз ижтимоий фаолликларини Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эга эканликлари, ҳокимият органлари фақат хавфсизлик нуқтаи назаридангина бундай тадбирлар ўтказилишини тўхтатиш ёки тақиқлаш ҳуқуқига эгаликлари белгиланган.

Бироқ, мазкур моддада қандай намоёишлар ёки митинглар хавфсизликка таҳдид солиши мумкинлиги, қайси ҳокимият органи мазкур тадбирларни тақиқлаши (Конституциянинг 11-моддасида Ўзбекистонда ҳокимият тизими — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципи асосланиши белгиланган) аниқ кўрсатилмаган, шу ўринда Конституциясизнинг

19-моддасида Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлар дахлсизлиги, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги аниқ белгиланган.

Бу борада фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг 21-моддасида тинч йиғинларга бўлган ҳуқуқлар тан олиниши, бу ҳуқуқдан фойдаланишда ҳеч бир чеклашга йўл қўйилмаслиги. қонунга мувофиқ қўйилган ва демократик жамиятда давлат ёки жамият хавфсизлиги, жамоат тартиби, аҳоли саломатлиги ва маънавиятини муҳофаза этиш ёки бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлган чеклашлар бундан мустасно эканлиги белгиланган.

Агар дунё конституцияларига назар ташласак, бутун дунёда энг қатъий (ўзгармас) ҳисобланган Америка Қўшма Штатларининг Конституциясининг 6-бўлимида Конгресс сенаторларининг жамоат тартибини бузганда қўлланиладиган чоралар хусусида,

9-бўлимида HABEAS CORPUS суди қарори жамоат хавфсизлигига таҳдид солганида бекор қилиниши тўғрисида баён этилган[7].

Лотин америкаси давлатларидан Бразилия конституциясининг 3-бўлими айнан “жамоат хавфсизлиги” деб номланган. 144-моддасида жамоат хавфсизлигига қуйидагича таъриф берилган, яъни жамоат хавфсизлиги – жамоат тартибини сақлаш, шахснинг дахлсизлигини сақлашга қаратилган давлатнинг мажбурияти ва барчанинг ҳуқуқ ва жавобгарлигини ўз ичига олади деб таъриф берилган. Шунингдек мазкур конституциянинг 34, 136 моддалари, 5 ва 7 параграфларида жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига оид қоидалар киритилган[8].

МДХ давлатларининг Конституциялари таҳлил қилинганида Россия Федерацияси, Украина, Беларусия, Озарбайжон, Қозоғистон ва Қирғизистон Республикалари, Болтиқбўйи давлатларидан Латвия ва Литва Республикаларининг Конституцияларида жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган нормалар, давлат ҳокимияти органларининг вазифа ва ваколатлари мустаҳкамлаб қўйилгани алоҳи эътиборимизни жалб қилди.

Жумладан, Россия Федерацияси Конституциясининг 72-моддасида Россия Федерацияси ва унинг субъектларининг умумий вазифаси қаторига инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш; миллий озчиликларни ҳимоя қилиш, қонунийлик, ҳуқуқ тартибот, жамоат хавфсизлиги ва жамоат саломатлигини таъминлаш киритилган бўлса, Конституциянинг 83-моддасида Россия Федерацияси Президентининг ваколатларига ижро этувчи ҳокимият раҳбарлари, хавфсизлик ва мудофаа, ички ишлар вазирлари билан бир қаторда жамоат хавфсизлигига жавобгар

20-Fevral, 2026-yil

шахсларни тайинлаш киритилган ва 102-моддасида Федерация кенгашининг ваколатлари билан мустаҳкамланган. Конституциянинг 114-моддасида Россия Федерацияси ҳукуматининг вазифалари қаторига қонунийлик, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни кўриш мажбурияти мустаҳкамланган[9].

Украина Республикаси конституциясининг 34-моддасида ҳар ким сўз ва фикрлар эркинлигига эгаллиги, ўз қарашлари ва фикрларини эркин баён қилиш ҳуқуқига эгаллиги. Ҳар ким ўз истаган ахборотни излаш, сақлаш, фойдаланиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга эканлиги. Мазкур ҳуқуқлар миллий хавфсизлик, жамоат тартибини сақлаш, ҳудудий яхлитликни таъминлаш, оммавий тартибсизликларни олдини олиш, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида қонун билан чекланиши мумкинлиги, 35-моддасида ҳар ким эътиқод эркинлигига эгаллиги, ҳар ким истаган динига эътиқод қилиши мумкинлиги ёки умумман эътиқод қилмаслиги мумкинлиги, жамоавий диний ибодатлар ва маросимлар ўтказиш ҳуқуқига эгаллиги, бироқ жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда соғлиғини сақлаш мақсадида қонун билан чекланиши мумкинлиги, 36-моддасида фуқаролар ўзларининг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларини қондириш мақсадида сиёсий партияларга, жамоат бирлашмаларига уюшиш ҳуқуқига эгалликлари, бироқ жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда уларнинг соғлиғини сақлаш мақсадида қонун билан чекланиши мумкинлиги, 39-моддасида фуқаролар ижро ҳокимияти органларини олдиндан огоҳлантирган ҳолда тинч йиғилишлар, қуролсиз митинглар, намоёйишлар ўтказиши мумкинлиги, бироқ миллий хавфсизлик ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, оммавий тартибсизликлар ва жиноятларни олдини олиш мақсадида қонун билан суд қарори асосида бекор қилиниши ёки тақиқланиши мумкинлиги, 92-моддасининг 17-бандида Украина Радаси ваколатига миллий хавфсизлик, Қуролли Кучлар тузилмаси ва жамоат тартибини сақлашга доир қонунлар қабул қилиш киритилган бўлса 116-моддасининг 7-бандида Вазирлар Маҳкамасининг ваколатларига муҳофаза қилиниши, миллий хавфсизлик ва жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликка қарши курашиш бўйича чораларни кўриш бўйича нормалар киритилган[10].

Латвия Республикаси Конституциясининг 116-моддасига кўра, Конституциянинг 96, 97, 98, 100, 102, 103, 106 ва 108 моддаларида белгиланган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари жамоат хавфсизлигини таъминлаш, демократик тузумини сақлаш, бошқа фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида қонун билан чекланиши мумкинлиги белгиланган[11].

Литва Республикаси Конституциясининг 24-моддасида (турар-жой даҳлсизлиги), 26-моддасида (сўз, эътиқод ва виждон эркинлиги), 36-моддасида (митинглар ўтказиш), 94-моддасида (ҳукумат ваколатлари)ларида жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган нормалар киритилган[12].

Молдова Республикаси Конституциясининг 54-моддасида ҳуқуқ ва эркинликларнинг чекланишига фақат қонун билан миллий хавфсизликни ҳимоя қилиш, жамоат

тартибини сақлаш, жамоат саломатлиги ва кадр-қимматлигини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини қўриқлаш, жиноятни тергов қилиш, табиий офат ёки бахтсиз ходисаларни олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш мақсадида йўл қўйилиши мумкинлиги, 87-моддасининг 4-бандида Молдова Республикаси Президенти миллий хавфсизликни ва жамоат тартибини таъминлаш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа чораларни қўриши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган[13].

Туркия Республикаси Конституциясининг 13-моддасида ҳудудий ва миллий бутликни ҳимоя қилиш, миллий суверенитет, миллий хавфсизлик, жамоат хавфсизлиги, умумий тинчлик, жамоат манфаатлари, жамиятнинг ахлоқ-одоб нормалари, саломатлиги ва конституциянинг бошқа моддаларида кўрсатилган ҳолатларда асосий ҳуқуқ ва эркинликлар қонун асосида конституцияга мувофиқ чекланиши мумкинлиги, 120-моддасида инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқ эркинликларига, жамоат тартибига, Конституция билан ўрнатилган демократик тузумга зарар етказишга қаратилган зўравонлик актлари кенг тарқалганда Вазирлар Кенгаши Президент раҳбарлигида Миллий хавфсизлик кенгаши билан келишгандан сўнг муайян ҳудудда ёки бутун мамлакат бўйлаб 6 ойдан ошмаган муддатга фавқулодда ҳолат эълон қилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган[14].

Шунингдек, Беларусия, Озарбайжон, Қозоғистон ва Қирғизистон Республикалари Конституциялари таҳлил қилинганида жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибини сақлаш нуқтаи назаридан фуқароларнинг айрим ҳуқуқ ва эркинликлари чекланиши ҳамда Давлат ҳокимияти органларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича вазифалари акс эттирилганлиги маълум бўлди[15].

Хитой Ҳалқ Республикасининг Конституциясида жамоат хавфсизлигига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, давлат органлари, хусусан халқ кенгаши, бошқарув ва ижро органларининг вазифалари ва фуқароларнинг мажбуриятлари белгилаб қўйилган, жумладан ХХР конституциясининг 53-моддасида ХХР фуқаролари Конституция ва қонунларга риоя қилишлари шартлиги, давлат сирларини сақлаш, жамоат мулкани ҳимоя қилиш, меҳнат интизоми ва жамоат тартибига риоя қилиш, жамоат ахлоқ-одоб нормаларини ҳурмат қилишга мажбурлиги белгиланган[16].

Ушбу илмий мақола доирасида Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатларининг инсонларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги конвенция, шунингдек 14та давлатнинг Конституциялари ўрганиб чиқилиб, улардаги жамоат тартибини ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш доир нормалар таҳлил қилинганида, мазкур давлатларда жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга оид асосий тушунчалар ва нормалар Конституция моддаларига киритилганлиги маълум бўлди.

Бизнинг фикримизча, ҳозирги глобллашув замонида жамоат хавфсизлигига хавф ва таҳдидларнинг кучайиши, усул ва шакллариининг трансформациялашуви, оммалашуви жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасини ташкилий-ҳуқуқий

такомиллаштиришни ва бу борада янги ёндашувларни жорий қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислохотлар йўлини қатъий давом эттирамиз” деб номланган нутқида асосий Қомусимизнинг кафили сифатида Конституция ва қонунларимиз талабларини сўзсиз бажарилиши, “Инсон кадри учун” деган устувор тамойилни тўла рўёбга чиқариш бундан буён ҳам фаолиятимизнинг бош мезони бўлиб қолиши тўғрисида сўз юритиб, инсон кадри деганда, биз, аввало, ҳар бир фуқароларнинг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечиришини, унинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни назарда тутишимиз лозимлигини, шу билан бирга, дунё тажрибасида туб бурилишлар даврида қўпгина давлатларда конституциявий ислохотлар амалга оширилганлигини, шу сабабли, аввало сенатор ва депутатларимизнинг, кенг жамоатчилигимиз, халқимиз билан яна бир бор маслаҳат қилиб, жаҳон конституциявий тажрибасини ўрганиб, пухта ўйланган ҳолда бугунги ва келгуси тараққиётимизни белгилаб берадиган асосий қомусимизни такомиллаштириш масаласини кўриб чиқиш лозимлигини таъкидлаб ўтдилар[17].

Сўнги йилларда Президентимизнинг ташаббуси билан жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасини такомиллаштириш мақсадида қўплаб ишлар олиб борилмоқда, жумладан, 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ташкил этилиб жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жамоат тартибини сақлашда мустаҳкам қалқонга айлантирилди. 2020 йил 18 ноябрда “Ўзбекистон Республикасининг Миллий гвардияси тўғрисида”ги Қонуни[18] қабул қилиниб, Миллий гвардия фаолиятининг ҳуқуқий асоси мустаҳкамланди. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасини такомиллаштиришда яна бир муҳим қадам сифатида 2021 йил 15 апрель кундаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида профессионал кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5077 Қарорига [19] мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети ташкил этилишини эътироф этсак, ҳеч муболаға бўлмайд.

Бинобарин, университет жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасига профессионал кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш муаммоларини чуқур таҳлил қилган ҳолда, илмий асосланган таклифлар ва ечимларни тақдим қилувчи илм масканига айланди.

Чунончи, Университетда янги ташкил этилган

Дарҳақиқат, жамоат хавфсизлигини таъминлаш масаласи бугунги куннинг долзарб муаммолари қаторига кириб, давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланмоқда.

Лекин, юқорида келтирилган маълумотлар мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасига оид қонунчиликда бўшлиқлар мавжудлигини

хамда амалдаги қонунчилик меъёрларини такомиллаштириш зарурати мавжудлигини кўрсатмоқда. Ва бу борада, илмий мақолада олиб борилган таҳлилий маълумотларга мувофиқ, ҳозирги замонда жамоат хавфсизлигига нисбатан юзага келаётган хавф-хатар ва таҳдидлардан самарали ҳимояланиш механизмини яратиш, қонунчиликдаги бўшлиқларни тўлдириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича қуйидагилар таклиф этилади:

29-моддасини қуйидаги таҳрирда қайта қабул қилиш:

Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган, миллий ва жамоат хавфсизлигига раҳна солувчи, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни ҳамда оммавий тартибсизликларни тарғиб қилувчи, давлат, ҳарбий ва хизмат сири ҳисобланган ахборотлар ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир.

Жисмоний ва юридик шахслар, давлат ҳокимияти органлари ва мансабдор шахсларини обрўсизлантириш ёки бошқа ғараз мақсадларни кўзлаб ёлғон ахборотларни тарқатиш, ёхуд ахборотларни бошқача талқин қилиш тақиқланади.

Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин.

31-моддасини қуйидаги таҳрирда қайта қабул қилиш:

Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга.

Диний қарашларни мажбуран сингдиришга, диндан ва диний қарашлардан конституциявий тузумни ағдариш, миллий ва жамоат хавфсизлигига раҳна солиш, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни ҳамда оммавий тартибсизликларни келтириб чиқариш мақсадида фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Жамоат хавфсизлиги ва тартибини, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамиятдаги одоб-ахлоқ қоидаларини бузмаган ҳолда якка ҳолда, шунингдек бошқалар билан биргаликда, диний маросим ва бошқа урф-одатларни бажариш ҳуқуқи кафолатланади.

33-моддасини қуйидаги таҳрирда қайта қабул қилиш:

Фуқаролар ўз ижтимоий фаолликларини Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ тегишли ҳокимият органларини олдиндан хабардор қилган ҳолда тинч йўл билан қуролсиз митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар.

Бундай тадбирлар ўтказилишини жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни келиб чиқишига йўл қўймаслик, оммавий тартибсизликларни олдини олиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, миллий ва маънавий қадриятларни сақлаш мақсадида Суд органларининг қарорлари билан тўхтатилиши ёки тақиқланиши мумкин.

48-моддасини қуйидаги таҳрирда қайта қабул қилиш:

20-Fevral, 2026-yil

Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари эркинликлари, шаъни ва кадр-қиммати хурмат қилишга, давлат сирларини сақлашга, жамоат тартиби, жамиятдаги ахлоқ-одоб нормаларига риоя қилишга мажбурдирлар.

Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма ваколатларига жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Парламент назоратини ўрнатишга доир ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатларига жамоат тартибини ва жамоат хавфсизлигини таъминлашга доир чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича нормаларни киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг III боби «Конституция ва қонуннинг устунлиги» деб номланиб, мазкур бобда мустақкамаланган нормалар таҳлил қилинганида биринчидан мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади, иккинчидан давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўришлари, учинчидан бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмаслиги маълум бўлади. Яъни барча қонун ва қонун ости ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан келиб чиқиши шарт.

Албатта, келтирилган муаммони бир мақола асосида кўриб чиқилиши етарли даражада ечимини таъминламайди, негаки киритилаётган ҳар бир таклиф амалий жиҳатдан асосини топиши зарур ва мазкур муаммони ечимини топишда, барча соҳа мутахассисларини кенг жамоатчилиқни ва ҳалқаро экспертларни жалб қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига жамоат хавфсизлигини таъминлашга доир нормаларнинг киритилиши, давлат бошқарув органлари ва фуқароларнинг жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги вазифалари

ва мажбуриятларининг мустақкамланиши, келгусида мамалкалатда жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ҳуқуқий кафолатларни яратишга, Конституция ва қонун устуворлигини таъминлашга, жамоат хавфсизлиги, аҳолининг тинч ва осуда ҳаётини кафолатлашга бинобарин мамлакат иқтисодиётини барқарор ўсиши учун тадбиркорларда, чет эллик инвесторларда мустақкам ишончни шаклланишининг мустақкам гарови бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (Constitution of the Republic of Uzbekistan) // <http://www.lex.uz> // Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси (National Database of Legislation of the Republic of Uzbekistan);
2. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрь кундаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси

20-Fevral, 2026-yil

тўғрисида”ги ЎРҚ-263-сон, Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрь кундаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги ЎРҚ-407-сон, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 18 ноябрь кундаги “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”ги ЎРҚ-647-сон қонунлари //http://www.lex.uz// Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси (National Database of Legislation of the Republic of Uzbekistan);

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида Ички Ишлар Органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2021 йил 26 март кундаги

ПФ-6196-сон фармони, “Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил

1 май кундаги ПҚ-2940-сон, “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 24 декабрь кундаги ПҚ-4075-сон, “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 19 июнь кундаги ПҚ-3786-сон қарорлари //http://www.lex.uz// Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси (National Database of Legislation of the Republic of Uzbekistan);

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йилнинг

29 ноябрь кундаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-27-сон Фармони //http://www.lex.uz// Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси (National Database of Legislation of the Republic of Uzbekistan);

5. 1966 йил 16 декабрда Нью Йоркда қабул қилинган Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт (Ўзбекистон Республикаси 1995 йил 28 октябрда қўшилган) //http://www.lex.uz// Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси (National Database of Legislation of the Republic of Uzbekistan);

6. 1995 йил 26 майда Минск шаҳрида қабул қилинган Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатларининг инсонларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги конвенция //http://ru.wikipedia.org/wiki// эркин энциклопедияси ва бошқа расмий интернет сайтлар;

7. Конституция США от 1787 года (US Constitution of 1787) /http://www.hist.msu.ru;

8. Бразилия Федератив Республикасининг Конституцияси, 1988 йил (Constitution of the Federative Republic of Brazil, 1988) http://russobras.nichost.ru/constitution.php;

20-Fevral, 2026-yil

9. Конституция Российской Федерации, 1993 год, (Constitution of the Russian Federation, 1993) // <http://www.constitution.ru/>;
10. Украина Республикаси Конституцияси, 1996 йил (Constitution of the Republic of Ukraine, 1996) // <https://portal.rada.gov.ua/uploads/>;
11. Латвия Республикаси Конституцияси, 1992 йил (The Constitution of the Republic of Latvia, 1992) // <https://www.president.lv/ru>;
12. Литва Республикаси Конституцияси, 1992 йил (Constitution of the Republic of Lithuania, 1992) // <https://www.lrs.lt/home/Konstitucija>;
13. Молдова Республикаси Конституцияси, 1994 йил (Constitution of the Republic of Moldova, 1994) // <https://www.presedinte.md>;
14. Туркия Республикаси Конституцияси, 1982 йил (Constitution of the Republic of Turkey, 1982) // <https://www.concourt.am/armenian/>;
15. Конституции Республики Беларусь, Конституция Республики Казахстан, Конституция Киргизской Республики, официальное издание, (Constitution of the Republic of Belarus, Constitution of the Republic of Kazakhstan, Constitution of the Kyrgyz Republic, official publication) // <https://www.legalns.com/>;
16. Хитой Халқ Республикаси Конституцияси, 1982 йил (Constitution of the People's Republic of China, 1982) // https://www.concourt.am/armenian/legal_resources/;
17. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислохотлар йўлини қатъий давом эттирамиз” деб номланган нутқи (Speech of the newly elected President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev at the joint session of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan dedicated to the inauguration ceremony) // <https://isrs.uz>;
18. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Миллий гвардияси тўғрисида”ги Қонуни (Law of the Republic of Uzbekistan "On the National Guard of the Republic of Uzbekistan") // <http://www.lex.uz/> Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси (National Database of Legislation of the Republic of Uzbekistan);
19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида профессионал кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори (Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan "On measures to further improve the system of training professionals in the field of public safety") // <http://www.lex.uz/> Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси (National Database of Legislation of the Republic of Uzbekistan).